

## ИНСОН ҚИЁФАСИНИ ЭСТЕТИК ХИРУРГИЯ ВОСИТАСИДА ЎЗГАРИШИННИГ АСАБ-РУХИЙ ТИЗИМИ ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Полванов Р.Б

## ЭСТЕТИЧЕСКАЯ ХИРУРГИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЭМОЦИОНАЛЬНОЕ СОСТОЯНИЕ ПАЦИЕНТОВ ПОСЛЕ ПЛАСТИЧЕСКИХ ОПЕРАЦИЙ

Полванов Р.Б.

## THE IMPACT OF CHANGING THE APPEARANCE OF A PERSON ON THE PROPERTY OF THE NEUROPSYCHIC SYSTEM THROUGH AESTHETIC SURGERY

Polvanov R.B.

Тошкент Тиббиёт Академияси

**Цель:** оценка влияния пластических хирургических операций на внутреннее состояние и поведение пациентов. **Материал и методы:** с помощью специальной анкеты был проведен опрос и визуально-объективное обследование 33 пациентов, которые перенесли пластические операции с целью улучшения эстетики различных зон лица (глаз, губ, ушей и др.). **Результаты:** 28 (89,3%) опрошенных пациентов были довольны полученным результатом. Благодаря успешному пластическому хирургическому вмешательству у них произошли положительные изменения психического состояния и поведенческих реакций. По их мнению, внешний вид их стал более привлекательным, чем был до операции. **Выводы:** преобладание среди пациентов пластических хирургов городских жителей свидетельствует о том, что в городе люди больше внимания уделяют своему внешнему виду, стремясь приобрести еще большую внешнюю привлекательность, что, несомненно, способствует успешной карьере и является большим плюсом в личной жизни.

**Ключевые слова:** пластическая хирургия, эстетическая красота, инновационная медицинская психология, фотокоррекция.

**Purpose:** the appearance of a person often affects his essence, his inner world and his behavior. Based on the analysis, a rational conclusion can be made by comparing the appearance of the nervous system with the postoperative state after surgical replacement of the appearance of our patients under observation. **Materials and methods:** Examination, history taking, analysis of the patient's preoperative and postoperative plastic surgery, laboratory and instrumental leaflets and a visual-objective examination based on the history of the disease. **Results:** 28 (89.3%) of 28 patients with successful plastic surgery had positive mental and behavioral changes. Because of their appearance, which was more attractive and flawless than the preoperative period, it was disfigured, dissatisfied with the environment, was at a disadvantage due to anxiety and depression. **Conclusions:** In our observations, it was noted that approximately 30% of patients aged from 30 to 45 years old accounted for about half (42.4%) of the total number of applicants, of whom 33 had 22 (66.7%) city residents and 11 were rural (33.3%) as well as their attractiveness and attractiveness, and the urban population pays more attention to these aspects than the rural population.

**Key words:** plastic surgery, aesthetic beauty, innovative medical psychology, photo correction.

**М**уаммонинг долзарблиги. Инсон ташқи қиёфаси кўп жиҳатдан унинг моҳиятига, ички дунёсига таъсир кўрсатади ва хулқ-атворини белгилайди [1,2,3]. Хулқ атвorum эса унинг турмуш тарзи ва босиб ўтган йўлларини белгилаб беради. [3]. Статистик маълумотларга қараганда ер шари аҳолисининг маълум фоизи ўзининг ташқи қиёфаси, кўриниши, чехрасидан қониқмайди, ўсмирларда бу кўрсаткич 34,5%, хотин-қизларда 46,7% ва эркакларда 12,4% ни ташкил қиласди [6.7].

Пластик ва косметик хирургия тараққий қилган бугунги кунда ўз жинсини оператив йўл билан ўзгартиришга мойил одамлар турли мамлакатларда ўтказилган сўровномаларда 3,1-5,8% ни, ўз ташқи қиёфасини жарроҳлик йўли билан коррекция қилишга қарор қилганлар эса 12,6-16,9%ни ташкил қиласди [4,7]. Жумладан, хотин-қизлар орасида ўтказилган сўровномаларда кулоқ, бурун, кўз ва лаблар шаклини хирургик йўл билан ўзгартиришни истовчилар умумий иштирокчиларнинг 28,7 ни ташкил қиласди [6]. Ушбу статистик маълумотлар муаммонинг тиббий, майший, эстетик, косметик ва пластик жиҳатдан нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб беради.

### Мақсад ва вазифалар

Юқоридаги таҳдиллардан келиб чиққан ҳолда кузатувларимиз остида бўлган беморларимизнинг ташқи қиёфаси хирургик йўл билан ўзгартирилганидан кейинги асаб-руҳий тизими ҳолатини операциядан аввалги ҳолати билан солиштириб, оқилона хulosha чиқаришни мақсад қилиб қўйдик. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўз олдимизга қуйидагиларни вазифа қилиб белгиладик:

1.Ташқи кўринишларини пластик хирургия воситасида ўзгартириш учун мурожаат қилган беморларнинг ёши, жинси, туар жойига кўра классификациялаш.

2. Ташқи кўринишларини пластик хирургия воситасида ўзгартириш учун мурожаат қилган беморларнинг шикоятларига кўра классификациялаш.

3. Беморларнинг ёши, жинсига кўра асаб-руҳий тизими ва хулқ атворига муваффақиятли бажарилган коррекциянинг ижобий таъсини ўрганиш.

#### Тадқиқот обьекти

2018 йил июл-январ (7 ой) мобайнида кузатувларимиз остида 33 нафар bemor бўлди. Беморларнинг ёши, жинси, меҳнат фаолиятига кўра тақсимланиши 1-жадвалда ўз аксини топган:

**1-жадвал**

Беморлар	Жинси	Ёши		манзили	
		15-29	30-45	шахар	Кишлоқ
Хотин-қизлар	31 (93,9)	17(51,6%)	14(42,4%)	21(63,7%)	10(30,3%)
Эркаклар	2(6,1%)	1(3,0%)	1(3,0%)	1(3,0%)	1(3,0%)
Жаъми	33(100,0%)	18(54,6%)	15(45,4%)	22(66,7%)	11(33,3%)

Жадвалдан кўриниб турибдикি, пластик хирургияга мурожаат қилганларнинг катта фоизини хотин-қизлар ташкил қилас экан (93,9%). Эркаклар бор-йўғи 2 нафар бўлиб, кузатувларимиздаги bemorларнинг 6,1% қисмини ташкил қиласди. Улар ҳам ташқи кўринишдаги туғма норасолик ва номутаносиблик сабабли эмас, балки юз соҳасидаги орттирилган чандиқларни бартараф этиш учун мурожаат қилганлар. Авваллари фақат ёшлиаргина ўз ташқи кўринишларидан норози бўлиб, уни ўзгартиришга мойил бўлади қабилидаги илмий тадқиқотлар холосасига кўзимиз тушган бўлса, бизнинг кузатувларимизда 30-45 ёшлар оралиғидаги bemorлар умумий мурожаат қилганларнинг қарийб ярмини ташкил этди (42,4%). Демак, инсоннинг эстетик гўзалликка интилиши унинг ёшига боғлиқ бўлмасдан, балки кўп жиҳатдан бошқа омиллар орқали юз берар экан. Тадқиқотларимиз натижасида жами 33 нафар bemornинг 22 таси шахар (66,7%), 11 нафари эса қишлоқ (33,3%) ахолиси эканлиги аён бўлди. Демакки, шахар ахолиси ўз чиройи ва жозибадорлигига қишлоқ ахолисига қараганда икки баробар кўпроқ эътиборлидир.

Мурожаат қилувчиларнинг шикоятларига кўра хотин-қизлар ўртасида энг кўп шикоятлар кўз, қовоқлар соҳасидан (33,3%) бўлиб иккинчи ўринда қулоқлар (18,2%), учинчи ўринда лаблар ва даҳан (15,2%), ёноқ лунж ва бўйин (15,2%) ва ниҳоят тананинг бошқа қисмларидаги косметик номутаносиблиқдан 6 нафар bemor (18,2%) мурожат қилган. Эркак жинсига мансуб икки нафар (3,0%) мижоз ҳам юзнинг лунж ва ёноқ қисмидаги травмадан, куйишдан кейинги чандиқларни пластик коррекцияси учун мурожаат қилганлар классификацияси 2 – жадвалда ўз аксини топган.

**2-жадвал.**

Беморлар	Шикоятлари				
	Кўз соҳаси	Қулоқ соҳаси	Лаблар соҳаси	Ёноқ, лунж ва даҳан	Бошқа соҳалар
Хотин-қизлар	11 (33,3%)	6(18,2%)	5(15,2%)	5(15,2%)	6(18,2%)
Эркаклар	-			2(6,0%)	-
Жаъми	11 (33,3%)	6(18,2%)	5(15,2%)	7(18,2%)	6(18,2%)

#### Материал ва усуллар

Сўровномалар ўтказиш, анамнез йиғиш, bemornинг пластик операциядан олдинги ва кейинги суратлари тахлили (фотокоррекция), касаллик тарихига асосан лаборатор ва инструментал варақалари ва визуал-объектив кўрик.

#### Муҳокама

Bemorларнинг барчасида умум жарроҳлик томонидан қабул қилинган лаборатор ва инструментал текширишлар ўтказилди, терининг ҳолатига эстетик ва пластик хирургия нуқтай назаридан баҳо берилди. Ёши 40 дан юқори бўлган икки нафар bemor аёлда (6,0%) қон босими ва қонда глюкоза, ҳамда холестерин миқдори юқори бўлганлиги, бир нафар bemordan (3,0%) қонда ТОРЧ инфекциялар аниқланганлиги боис жарроҳлик муолажаси ўтказишдан четлантирилди. Демак, мурожаат қилганларнинг 30 нафарида (91,0%) қисмida турли мураккаблик ва давомлиликда коррекцияловчи пластик хирургия муолажалари ўтказилди. Bemorларнинг 28 нафарида (93,3%) жарроҳлик жароҳатлари бирламчи, текис ва эстетик хирургия талабларига мос равишда муддатида битди, бир нафар bemordan (33,3%) операциядан кейинги жароҳат яллиғланиб, бир нафарида чокларнинг қисман сўқилиши ҳисобига иккиласми битиш кузатилди. Демак, пластик жарроҳлик муваффақиятли ўтказилган 28 нафар bemornинг 25 нафарида (89,3%) асаб-руҳий тизим ва хулқ атворида ижобий ўзгаришлар кузатилган. Улар ўз ташқи қиёфалари операцияга қадар бўлган даврга қараганда жозибали ва нуқсонсиз шаклга кирганлиги сабабли ўз-ўзидан, ҳаётдан, атроф-муҳитдан қониқмаслик ҳиссисидан қутулганлар, ўринсиз асабийлашиш ва тушкунлик ҳолатлари батамом бартараф бўлган.

## Хулоса

Тадқиқотларимиз натижалари қуйидагича хулосалар чиқаришимизга имкон берди:

1. Кузатувларимизда 30-45 ёшлар оралиғидаги беморлар умумий мурожаат қилганларнинг қарийб ярмини ташкил этгани (42,4%), жаъми 33 нафар беморнинг 22 таси шаҳар (66,7%), 11 нафари эса қишлоқ (33,3%) ахолиси эканлиги инсон ёш ўтавергани сайин ҳам ўз латофати ва жозибасига эътиборли эканлигини, шаҳар ахолиси эса қишлоқ ахлига қараганда кўпроқ бу жиҳатларга эътибор беришини кўрсатди.

2. Хотин-қизлар орасида энг кўп шикоятлар кўз, қовоқлар соҳасидан (33,3%), иккинчи ўринда қулоқлар (18,2%), учинчи ўринда лаблар ва даҳан (15,2%), ёноқ лунж ва бўйин (15,2%) ва ниҳоят тананинг бошқа қисмларидаги косметик номутаносибликтан 6 нафар бемор (18,2%) мурожат қилганлиги аёллар кўпроқ кўз соҳаси жозибадорлиги ва мафтунонкорлигига эътибор қаратишидан дарак берди.

3. Пластик жарроҳлик муваффақиятли ўтказилган 28 нафар беморнинг 25 нафарида (89,3%) асаб-руҳий тизим ва хулқ атворда ижобий ўзгаришлар кузатилганлиги инсон ташқи қиёфаси мукаммаллиги ва бенуқ-сонлиги унинг ички дунёсига бевосита таъсири кўрсатишини англаатди.

4. Юқоридаги далил ва ашёлардан келиб чиқсан ҳолда бундай тадқиқотлар қўламини кенгайтириш ва инсон ички дунёсининг ташқи кўринишга таъсири жиҳатларини ҳам теран таҳлил қилиш тиббий психологиянинг инновацион усуllibаридан биридир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Оксана Сергеева. Язык жестов, как читать мысли без слов. Москва, Медицина 2011 й
2. Могельницкий А.С. Меараго Ш.Л. Динамика процесса различных посттравматических стрессовых расстройств в клинических критериях течения и оказания психологической помощи // Актуальные проблемы организации медицинского обеспечения войск в XXI веке. СПб, 2004, С.32-34.
3. Хигир Б.Ю. Физиогномика. - М.: Астрель: Транзит. книга, 2006.-640 с.
4. Николай Равенский. Как читать человека. Москва, Медицина, 1999 й. -87 с.
5. Гольдберг Э. Коста Л.Д. Нейроанатомическая асимметрия полушарий мозга и способы переработки информации. Нейропсихология сегодня /Ред. Хомская Е.Д.-М.: Изд-во МГУ, 1995.-232 с.
6. Роберт Уатсайд.О чем говорить лицо?.Санкт Петербург . Питер Пресс, 1996 й, - 132 с.
7. Dayot A/ The human face .New York, 1977 y, -731
8. Temdrok J Etila et estetika Berlin, 1998 y, - 1181

## ИНСОН ҚИЁФАСИНИ ЭСТЕТИК ХИРУРГИЯ ВОСИТАСИДА ЎЗГАРИШИНИНГ АСАБ-РУҲИЙ ТИЗИМИ ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Полванов Р.Б.

**Мақсад:** Инсон ташқи қиёфаси кўп жиҳатдан унинг моҳиятига, ички дунёсига таъсири кўрсатади ва хулқ-атворини белгилайди. Таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда кузатувларимиз остида бўлган беморларимизнинг ташқи қиёфаси хирургик йўл билан ўзгартирилганидан кейинги асаб-руҳий тизими ҳолатини операциядан аввалги ҳолати билан солишишиб, оқилона хулоса чиқарилади. **Материал ва усуllibar:** Сўровномалар ўтказиш, анамнез иғиши, беморнинг пластик операциядан олдинги ва кейинги суратлари таҳлили, касаллик тарихига асосан лаборатори ва инструментал варақалари ва визуал-объектив кўрик. **Натижса:** Пластик жарроҳлик муваффақиятли ўтказилган 28 нафар беморнинг 25 нафарида (89,3%) асаб-руҳий тизим ва хулқ атворда ижобий ўзгаришлар кузатилган. Улар ўз ташқи қиёфалари операцияга қадар бўлган даврга қараганда жозибали ва нуқсонсиз шаклга кирганлиги сабабли ўз-ўзидан, ҳаётдан, атроф – мухитдан қониқмаслик ҳиссидан қутулганлар, ўринисиз асабийлашиш ва тушқунлик ҳолатлари батамом бартараф бўлган. **Хулоса:** кузатувларимизда 30-45 ёшлар оралиғидаги беморлар умумий мурожаат қилганларнинг қарийб ярмини ташкил этгани (42,4%), жаъми 33 нафар беморнинг 22 таси шаҳар (66,7%), 11 нафари эса қишлоқ (33,3%) ахолиси эканлиги инсон ёш ўтавергани сайин ҳам ўз латофати ва жозибасига эътиборли эканлигини, шаҳар ахолиси эса қишлоқ ахлига қараганда кўпроқ бу жиҳатларга эътибор беришини кўрсатди.

**Калим сўзлар:** пластик хирургия, эстетик гўзаллик, инновацион тиббий психология, фотокоррекция.

